

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

АКТЁРЛИК САНЪАТИ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА) ЙЎНАЛИШИ

**“ЗАМОНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК ВА ВОКАЛ САНЪАТИ ТЕХНИКАСИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси профессори
Ш.Т. Пирматов

Такризчилар: Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси санъат
арбоби, профессор **Ҳ.Г Раҳимов**

ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси профессори
санъат арбоби, профессор **Б.А Лутфуллаев**

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг кенгашининг 201 йил _____даги ____-сонли қарори билан
нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	Ошибка! Закладка не определена.
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	Ошибка! Закладка не определена.
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	55
V. ТЕСТЛАР	68
VI. ОВОЗ ЁЗИШ СТУДИЯЛАРИНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	69
VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	70
VIII. ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАРИ.....	73
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	122

КИРИШ

Ушбу ўқув-услугий мажмуа жаҳон мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ва профессионал актёрларни вокал маҳоратини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Муסיқий – луғавий сўзлар. Замонавий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари. Вокал санъат педагогикаси муаммолари. Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар. Овоз ҳосил қилиш жараёнинг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни. Вокал техникаси асослари (нафас устида ишлаш). Вокал техникаси асослари (вокал нутқ, талаффуз аҳамиятлари). Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндошув. Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат. Вокал жанрлари ва уларнинг ижро йўли. Хонандалик мактабларини яратишда муסיқий таълим узвийлиги. Жаз, поп, опера ва миллий хонандалик жанрларидаги вокал ижрочилиги бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутати.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модулар мазмунини ўз ичига камраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Актёр ва хонанда учун унинг танаси ва овози муҳим ихтисослик қуроли ҳисобланади, улар устида узоқ муддат ишлаш, тарбиялаш жараёнида такомиллаштириш ва ифодали қилиш мумкин. Бошқа соҳаларга тегишли

бўлган қуроллар ҳам ниҳоятда мураккаб бўлгани каби, санъткорлар ҳаётида ҳам ўз танаси ва руҳиятини эгаллаш қуроли мўлжалланган бадиий, руҳий вазибаларни муваффақиятли бажариши учун ниҳоятда нозик ва қудратли бўлиши керак. Ўз овоз аъзоларини доимий равишда “жанговор ҳолатда” бўлиши учун машқ қилдириб туриш муҳим ҳисобланади. Маълумки, жарроҳлар ўз панжаларини ҳаракатчанлигини доимий таъминлаб туриш учун турли мусиқа асбобларида машқ қилади. Мана шундай машқлар айнан овоз аъзолари учун ҳам зарур, шунинг учун бундай ноёб қуролни мустаҳкамловчи ва такомиллаштирувчи машқларни яхши билиб олиш зарур бўлади. Айнан шундай машқлар “алифбо” да берилади.

Актёр, мусиқачи ва хатто педагогнинг иши – бу руҳият билан боғлиқ ишдир. Шу ўринда “хатто педагог” билан дейилишида гап бор, негаки актёр ва мусиқачи фақат ҳиссиёт соҳасига таъсир ўтказса, педагог эса асосан ақл, заковат билан иш олиб боради. Тингловчилар қалбида чуқур из қолдириш ва улар руҳига илиқлик бағишлаш учун овоздек муҳим қуролни етук даражада эгаллаш талаб қилинади.

Бундай қуролга тезликда эга бўламан, деганлар хато қилади, бунинг учун узоқ йиллир тинимсиз, сабр ва тоқат билан меҳнат қилиш зарур бўлади. Ҳеч ким хали юришни билмайдиган чақалокдан мураккаб рақс ҳаракатини бажаришни талаб қилмайди. Инсон дастлаб юриш ва туришни, сўнгра эса рақс тушишни ўрганади, шунда ҳам энг оддий ҳаракатлардан бошлайди. Шунинг учун ҳам талаба аввал айрим товушларни тўғри талаффуз қилиш, энг содда вокал машқларини бажариш, сўнгра ўз кўникмаларини ва репертуарини бойитиб, мураккаблаштириб бориши зарур бўлади. Машқ – бу энг муҳим машғулоти! Қўлланманинг ҳар бир бобида овоз билан ишлашдек мураккаб жараён учун кўрсатма ва машқлар босқичма – босқич бериб борилади.

Дельсартнинг таъбирича: “тана – чолғу, актёр - чолғучи” ҳисобланади. Саҳнада қўл, оёқ, тана, юз ҳаракати барчаси томашабиннинг кузатувида бўлади, бу актёрнинг имиджини кўрсатади. Баъзан ижрочининг муваффақиятсиз “чиқиши” уни ва зални бирлаштириб турган эътибор риштасини узиб юборади, яратаётган образига салбий таъсир кўрсатади.

Кўшиқчининг овози қанчалик яхши бўлмасин, унинг ташқи кўриниши ва юриш – туриши, саҳнага чиқишининг ўзиёқ унга муваффақият келтириши ёки аксинча бўлишига олиб келади. К. С. Станиславскийнинг фикрича: “Актёр саҳнада ўзини яхши хис қилиши, лекин ўзининг хис – туйғуларини ифодалашда танасининг нотўғри ҳаракати билан бутун кўринишни бузиб юбориши мумкин”. У бундай актёрни носоз мусиқа асбобида ўйнашга мажбур қилинаётган мусиқачига ўхшатади. Мусиқачи ажойиб куйни чалишга ҳаракат қилади, лекин созланмаган торлар ноҳуш овоз чиқаради ва мусиқачига азоб беради.

Актёр олдида танани машқ қилдириш учун маълум муддат белгилаб қўйилмайди, негаки ижрочининг йилдан – йилга ўзига бўлган талаби ошиб боргани сайин қийинчиликлар пайдо бўлаверади, шунинг учун овоз, нутқ, тана пластикаси кабилар билан бутун умр шуғулланишга тўғри келади. Матнни

томошабинларга етказиб бера олмайдиган актёрни Станиславский “тушунарсиз ғулдураб ўз маъшуқасига севги изҳор қилаётган” соқовга ўхшатади. Тана устида ишлаш ушбу “алифбо” вазифасига кирмайди, шунинг учун бу муаммонинг муҳимлиги таъкидланди холос.

Ижрочининг танасига бўлган асосий талаблар қуйидагилар:

1. Саҳнада қўшиқ айтаётган ва гапирётган инсон вазияти қулай ва табиий бўлиши лозим. У икки оёғида яхши ва қулай тура олиши керак, бу тананинг мустаҳкамлиги, тана оғирлигини бутун мушак ва суякларга тенг тақсимланишини таъминлайди.

2. Елкалар умуртқаларга нисбатан тўғри ҳолатда бўлиши керак. Бу яхши нафас олишга ва кўкрак титраткичидан фойдаларишга имкон беради.

3. Бошни егиб туриш ёки орқага ташлаш мумкин эмас, уни эркин ушлаб, бўйинни сикмай туриш керак – бу томоқ ва кекирдик эркинлигини, табиийлигини таъминлайди. Уларнинг ҳолати овозни тўлақонли жаранглашига хизмат қилсин.

4. Қўшиқчи, гапирувчининг юзи сохталикдан холи ва умумий вазифа бўлган ижод ғоясига бўйсундирилган бўлиши зарур. Машғулот жараёнида табассум ўзи бажараётган ишидан хурсанчилик, мамнунлик омили сифатида муҳимдир. “Қувонч хисси кўз кулгиси сифатида намоён бўлганидек, юздаги кулги ҳам ўқувчида кўтаринкилик, ижод қувончи хиссини намоён этади”. Шунинг учун ҳам қадимги италиян педагоглари қўшиқ айтиш чоғида ва ундан аввал табассум қилиш, “мулойим кўз қараш” ни талаб қилганлар. Рефлекс қонунига кўра бу барча ҳаракатлар вазифани бажаришга тайёрлик, мушакларни ишга тушириб юбориш билан боғлиқ ички вазиятни ҳаракатга келтиради. Айнан шу ишлар ички саҳнавий хатиржамликни таъминлайди.

5. Қўллар эркин бўлиши, орқага ёки кўкракка боғланмаган, ёнларга эркин туширилган бўлиши лозим, бу билан ҳар қандай вазиятда эркин, зарурий ишорани бажариш мумкин бўлади.

Педагог Н. М. Малишева ўзининг “қўшиқ айтиши ҳақида” номли китобида К.С. Станиславский саҳна учун актёр танаси устида қандай ишлаши, унга қандай талаблар қўйилиши ҳақида шундай ёзади: “ўз белини эшик, шкаф кесақисига суяш, унинг бўйи бўйича умуртқа поғонасини тўғирлаб олиш, танани ростлаш, тўғирланиш, елкаларни эркин тутиш, бўйинни тиклаш, қоринни ичига тортиш лозим. Нафас аъзолари қулай вазиятни эгаллайди, томоқ тўғри ўқда жойлашиб олади. Қўшиқчи бошини баланд тутиши лозим. Жағ ҳаракати чоғида томоқни босиб қўймаслиги учун бўйин тўғри тутилиши керак. Қўшиқ айтаётганда бошда сув тўлатилган кўза тургандек хис қилиш зарур (бошини тутиб турган бўйин баланси таъминланади)”. Баъзи қўшиқчиларнинг саҳнага ниҳоятда жиддий, норози қиёфада чиқиш одати бор. Бундай вазиятга тушмаслик керак. Томошабинлар олдида тушкун, норози ёки кеккайган қиёфада чиқиш уларнинг кайфиятида салбий таъсир этиши мумкин.

Саҳнага чиқиш олдидан хаяжонни босиш учун қуйидагилар бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Омма олдига чиқибок томоша бошлаш мумкин эмас, ўзининг ва томошабинларнинг эъборини жамлаб олиши учун бир мунча вақт туриши лозим бўлади. Бу пайтда 2 – 3 марта бурун билан чуқур нафас олиши зарур, ўпка, томоқ мушакларини таранглик ҳолатидан холос қилинади, яна нафас олинади. Саҳнага чиққандан сўнгги ва ижодий жараён олдидаги бу оралик танаффус томошабинларга ҳам эътиборни жамлашга ёрдам беради.

2. Ўз ижодий қувватига (ирода, интилиш, ички интизом) ишонч ҳосил қилади.

3. Чиқишдан аввал ва чиқиш чоғида ижро этилаётган асарнинг бадиий томонига қўшиқчига асарнинг нозик томонларини очиб беришга ёрдам берувчи техник воситаларга эътиборни жамлаш лозим.

4. Вокал ва ижро маҳоратини доимий машқ қилдириш ва такомиллаштириш.

Педагог Гарсиянинг (1805 – 1906) “Қўшиқ санъати ҳақида трактат” асарида қуйидагилар ҳақида сўзланади: “Шогирд учун зарур бўлган қобилиятни муҳокама қилишда ўзини театр санъатига бағишламоқчи бўлган қўшиқчи назарда тутилади... У ўзида нафақат шахсий хислатларни жамлаб қолмасдан... ўзининг жисмоний қобилиятини артистлик йўлидаги чарчоқларни бемалол енгиб ўтадиган даражада қилиб шакллантириш керак. Энг муҳим шахсий хусусиятлар қуйидагилар: Мусиқага бўлган ҳақиқий муҳаббат, ҳаёлида мусиқа ва унинг мутаносиблигини дарҳол илғаб олиш ва эслаб қолиш, жонли ва кузатув тафаккурини уйғунлаштириш. Жисмоний қувват ҳақида гап кетганда биринчи ўринга овоз қўйилади, у эркин. Бир қисми ва кенг қамровли бўлиши лозим; иккинчи планда – бутун қиёфа овознинг юқорида номланган хислатларга мос келиши зарур... Лекин хатога йўл қўймаслик мақсадида шунини таъкидлаш лозимки, юқоридаги ноёб хислатлар қанчалик кўп мавжуд бўлмасин, улар ҳақиқий иқтидор учун камлик қилади. Энг ноёб қобилиятни ҳам доимий равишда шугулланиб иш олиб бориб ривожлантириш лозим. Санъатнинг нозикликлари ва паст – баландини ўрганишга эътибор бермаган қўшиқчи иқтидорини ривожлантириш урнига ботқоққа ботиб қолади. Мусиқий маълумотларни шунчаки ўрганиб қўйиш ярамайди, артистлик шунчаки тақлид эмас, у аста – секин шаклланиб боради, уни шаклланиши учун махсус машқлар ва яхши тарбия лозим бўлади.

Қўшиқчи сольфеджио, роялни ўрганиш, ашула ва мусиқа назарияси дарсларида шакллантирилади. Мусиқа назариясини билиш қўшиқчи учун зарур ҳисобланади... Овоз табиий кўринишда қўпол, нотекис, у мустаҳкам кўринишда бўлмайди, кўпинча ғўлдираган, оғир ва маъносиз бўлади. Фақат сабр – тоқат билан шуғулланишгина овозни мустаҳкамлаши, жарангдор қилиши, силлиқлаши ва қувватли бўлишини таъминлаши мумкин... Дастлаб унчалик овозни яхши бошқара олмайдиган шогирдларга нисбатан нохуш муносабатда бўлиш ярамайди. Педагог ўз шогирдига нисбатан иккиланиш хиссини вужудга келтириши мумкин бўлган камчиликлар қуйидагилар:

1. Ички ва ташқи маданиятни етарли эмаслиги;

2. Ёмон эшитиш ва носоз овоз (бу камчиликни қанчалик ҳаракат қилинмасин тўғирлаб бўлмайди);

3. Ортиқча шовқинга мойил, хирқироқ овоз... Шунингдек соғлиги унчалик яхши бўлмаган кишилар ҳам кўшиқ айтиш билан шуғуланмаганлари маъқул. Соғлиги мустақкам бўлмаган артист ғайрат билан кўшиқ айта олмайди. Ғайрат эса ҳар қандай эҳтироснинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Саҳнага чиқиш, ўз ижодий ниятларини амалга ошириш ва томошабинлар эътиборига сазовор бўлиш катта маҳоратни талаб қилади. Актёрнинг ўз устида ишлаши бўйича мактабларни Дельсарт, Станиславский, М. Чехов сингари йирик санъаткорлар яратдилар. Педагог, юрист, маърузачи, дирижёрлар, актёрлик маҳоратига эга бўлмасликлари мумкин, аммо “саҳнадаги шахс” нинг ўзини тутишининг асосий қонунларини билиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. К.С. Станиславский таъбири билан айтганда, меҳнат – ўз устида ишлашнинг биринчи шarti. Бу иш қийинчиликни одатий, одатийликни енгил, енгилликни гўзалликка айлантириши лозим. Станиславский шундай деб ёзади: “ижод қонунларини ўрганиш ўртамиёна актёрда илхом учқунини сўндириб қўйиши мумкин, ҳақиқий санъаткорда эса учқун алангага айланади”. Баъзан ижрочилар, маърузачилар, педагоглар саҳна ишчиларидан хароброқ кўринади, уларда саҳнада ўзини тутиш маданиятидан асар ҳам кўринмайди. Бу ўз танаси, асаблари, эътиборини бошқара олмаслигининг натижасидир. “Ўзини тута олиш” қобилияти – бу муаммонинг фақат эстетик томонигина эмас, негаки ижрочининг танаси худди овози каби унинг “қуроли” ҳисобланади. Бу айниқса актёрлар, вокалчилар, шунингдек дирижёрлар, ҳамда педагогларга ҳам тегишлидир.

Асосий вазифалар: фаннинг мазмун моҳиятини очиб бериш; таълим жараёнида тингловчига педагогик сирларини сингдиришдан иборат. Тингловчилар ўқитиш жараёнининг назарий ҳамда амалий томонларини чуқур таҳлил қилишга, санъат тарихи, педагогик йўналишларнинг турли тармоқлари, анъаналарнинг уйғунлиги ҳамда санъатда янгилик яратиш йўли ва усулларини ўргатади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Вокал техникаси асослари курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

- вокал санъати фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- вокал санъатида эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни;
- республика ва хорижда “вокал” йўналиши бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;
- Ижрочилик турларини ўзлаштиришнинг услубий асосларини;

- замонавий талабларда машғулотларни ташкил қилишнинг илмий ва амалий асосларини;
- вокал санъати фанларини ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;
- вокал санъати соҳасидаги таълим мазмуни узвийлигини таъминлашда новаторлик ва анъанавийлик мезонларини билиши лозим.

Тингловчи:

- вокал санъати йўналиши бўйича янги электрон ўқув адабиётларни фойдаланиш;
- вокал санъати йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
- анъанавий ўқитиш услубларини замонавийлаштириш;
- вокал санъати таълимда илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- вокал санъати фанларни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш;
- вокал санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- вокал санъатида нафас машқлар, вокализлар, қўшиқ, ашулла ва ария устида ишлаш;
- замонавий талабдаги машғулотларни олиб бориш услубларида вокал санъати унсурларидан фойдаланиш;
- вокал санъати соҳасида инновациялардан фойдаланиш;

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг қуйидаги замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

музикий намуналар ҳақида маълумотлар бериш;

якка холда ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси”, “Актёрлик маҳорати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш”

ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари.			2	2	
2.	Муסיқий – луғавий сўзлар. Замонавий метроритмик моделлар.				2	
3.	Артикуляция аъзолари, дикция			2	2	
4.	Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари.			2	2	
5.	Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндошув. Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат.				2	
Жами:		16		6	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Замоनावий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари.

Замоनावий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари.

2-мавзу: Артикуляция аъзолари, дикция

Артикуляция аъзолари нутқ товушларини ҳосил қилувчи овоз аъзолари. Нутқ товушларини яратишга қаратилган ишлар.

3-мавзу: Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари.

Табиийлик ва фаоллик артикуляция аъзоси иши. Турли сиқиклик бартараф этиш ва турли мушаклар ҳамда органлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузавий машғулотлардан сўнг режалаштирилган амалий машғулотлар маъруза машғулотларининг асосий мавзусига биноан ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб, амалий ижро тарзида ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек актёрлар билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг ишлаш методикасини янгилаш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Замоनावий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари.

Замоनावий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари.

2-амалий машғулот: Мусиқий – луғавий сўзлар. Замоनावий метроритмик моделлар.

Мусиқий – луғавий сўзлар. Замоनावий метроритмик моделлар.

3-амалий машғулот: Артикуляция аъзолари, дикция

Артикуляция аъзолари, дикция орқали товуш созланмаларини ўрганиш.

4-амалий машғулот: Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари.

Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари.

5-амалий машғулот: Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндошув. Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат.

Тингловчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш. Мустақил таълим мавзуларини ишлаб чиқишда тасдиқланган ўқув дастурга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда талабаларга танлаш имкониятини яратиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси	2.5	1
2.	Мустақил иш (Кейсни ечиш)		1.5

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби: “Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Фотографияни биринчи бўлиб ким ихтиро қилган?

- А. ВеригоДоровский
- В. Шостакович
- С. Жосеф Ньепс
- D. Дагер



Қиёсий таҳлил

- Вокал санъати ва кинематография санъатининг фарқлари?



Тушунча таҳлили

- “тасвирий ечим” сўзини изоҳланг.



Амалий кўникма

- Вокал санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий кинооператорларнинг ижоди билан танишиш, услубларини таҳлил эта олиш

“Кейс-стади” методи

«**Кейс-стади**» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); <ul style="list-style-type: none"> ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Кинотелеоператорлик санъатида “Чуқурлик (глубина)” ва

унинг замонавий кинога таъсири”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки катнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади

ва машғулот яқунланади.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;


- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари

Товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган барча аъзолар жамланиб овоз аъзоларини ҳосил қилади. Унинг таркибига оғиз ва бурун бўшлиғи, ҳалқум, товуш пайчалари, трахея, бронх, ўпка, нафас мушаклари билан кўкрак қафаси ва диафрагма, қорин соҳаси мушаги ва бошқалар киради.



1- расм. **Овоз ҳосил қилиш аъзолари**
1-ҳалқум; 2-кизилўнгач; 3-бронхлар тармоғи;
4-ўпка; 5-диафрагма.

Булардан ташқари овоз ҳосил қилишда асаб тизими, ҳаракатлантирувчи ва таъсирчан асаблар мавжуд бўлган бош миянинг тегишли асаб марказлари, бу марказларни юқорида кўрсатилган аъзолар билан бирлаштирувчи асаблар ҳам иштирок этади. Ҳаракатланувчи асаблар орқали бош миядан бу аъзоларга буйруқ берилади (эфферент алоқа), таъсирчан асаблар орқали эса ишлаётган аъзолар аҳволи ҳақидаги маълумот келади (афферент алоқа). Аслида овоз ҳосил қилишда иштирок этувчи аъзолар марказий асаб тизимининг буйруғини бажарувчилар ҳисобланади. Овоз ҳосил қилувчи аъзолар ишни марказий асаб тизимидан айрича тасаввур қилиб бўлмайди, у уларни ниҳоятда мураккаб бўлган психофизик жараён бўлмиш кўшиқ айтиш чоғида яхлит аъзо қилиб бирлаштиради.

Овоз ва эшитиш

Кўшиқ айтиш чоғида ҳам оддий нутқдаги каби товушни ҳосил қилувчи, ҳам қабул қилувчи аъзолар мавжуд бўлишини тақозо этади. Маълумки, гўдаклигида (бир ёшгача) эшитиш қобилиятини тўла йўқотган бола эшитиш аъзоларининг касаллиги натижасида фақат гунг эмас, балки соқов ҳам бўлиб қолади.


Ташқи мухитдан соғлом эшитиш органлари орқали қабул қилинаётган овоз кўзгатгичлар овоз органлари ишини бошқарувчи асаб толалари учун ҳам кўзгатувчилар ҳисобланади. Кар болада овоз ҳамда нутқ марказларини кўзгатувчилар бўлмайди, шунинг учун овоз аппарати ишламайди.

Эшитиш ва овоз ўртасидаги алоқа икки томонлама бўлади. Эшитиш иштирокисиз овоз шаклланмаслиги билан бир қаторда, эшитиш ҳам овоз аъзолари иштирокисиз фаолият кўрсата олмайди.

Овоз органлари фаолияти орқали эшитиш идроки ҳосил бўлади. Нутқ, муסיқа бир-икки кўшиқни эшитиш асносида уларни ичимизда бир-икки овоз чиқариб такрорлаймиз, шундан кейингина уларни идрок этамиз.

Вокал кўникмаларини шаклланиши ва ривожланишида унда иштирок этаётган аъзоларнинг иши жиловланади. Ортикча ҳаракатлар қисқартирилади, кераклилари мустаҳкамланиб такомиллаштирилади.

Бўғиз – овоз вужудга келадиган аъзо ҳисобланади. У бўйиннинг ўрта – олд қисмида жойлашади, у узун найчага ўхшайди, унинг устки қисми кекирдак бўшлиғига бориб туташади. Пасткиси трахеяда давом этади. Ҳалқум яширин вазифани (нафас олиш, ҳимоя, овоз) бажаради ва ниҳоятда мураккаб тузилишга эга. Унинг асосини бўғим ва пайчалар ёрдамида ўзаро бириккан кемирчакдан иборат, устидан ва ичидан мушаклар билан қопланган.



2- расм. Бурун, ҳалқум ва бўғиз соҳаларининг кўндаланг кесими.

1- пешона бўшлиғи; 2-юқори бўшлиқ; 3- ўрта бўшлиқ; 4- қуйи бўшлиқ;

5- қаттиқ танглай; 6- юмшоқ танглай; 7- тил ости сўнгаги; 8- кичик тил;

9- қалқонсимон тоғай; 10- ҳақиқий овоз қатлами; 11- трахея; 12- асосий бўшлиқ; 13- евстахиев найчасининг бўғиз тирқиши; 14-

бодомсимон танглай; 15- бўйин умуртқаси; 16- ҳалқасимон тоғай; 17- қизилўнгач;

Танамизнинг барча бўшлиқ аъзолари каби бўғизнинг ички юзаси шиллик парда билан қопланган. Бўғизнинг энг катта қалқонсимон тоғай бўғизининг катталигини белгилайди.

Бўғизга чиқиш деб намланган бўғизнинг юқори тирқиши чўзинчоқ шаклга эга, ҳаракатчан бўғиз тоғайи олдида жойлашади.

Нафас олганда бўғиз очилади. Ютинганда кичик тилнинг чети орқали эгилиб унинг тирқишини беркитади.

Кўшиқ айтаётган пайтда бўғизнинг кириш жойи тораяди ва кичик тил билан беркилади. Бундай ҳолат кўшиқ учун зарур бўлган нозик товушни ҳосил қилиш учун катта аҳамиятга эга ва ашула учун таянч бўлиб қолади.

Агар бўғизга юқоридан қаралса, икки томоқдан бир – бирининг устига жойлашган шиллик парданинг иккита бўртиғи кўришиб туради. Уларнинг ўртасида унча катта бўлмаган симметрик чуқурчалар – морган қоринчаси бор. Юқори бўртиқлар ёлғон (меъда) бурма, пасткиси эса овоз бурмаси деб юритилади.

Ёлғон бурмалар ранги ҳам худди бўғизнинг шиллик пардаси рангига ўхшайди. Улар юмшоқ бирлаштирувчи тўқима ва бурмаларни яқинлаштирувчи кучсиз ривожланган мушаклардан иборат. Ёлғон бурмалар ва коринчалар деворидаги безлар овоз бурмаларини намлаб туради. Бундай вазифа айниқса кўшиқчи овозини ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Нафас олганда овоз бурмалари товуш тирқиши деб номланган учбурчак шаклдаги тешикни ҳосил қилади. Овоз ҳосил қилинганда овоз бурмалари яқинлашади ёки бирлашади, товуш тирқиши беркилади. Овоз бурмалари юзаси садаф рангидаги қалин эластик тўқима билан қопланган. Уларнинг ичида ташқи ва ички без мушаклари бор. Иккинчи ичкиси вокал мушаклари дейилади.

Мушак толалари бурманинг ички четига параллел ва қиялама йўналишларда жойлашади. Шундай тузилганлиги туфайли овоз бурмаси фақат узунасига ўзгариб қолмай, балки қисмлари ҳам тебраниб туради, бу кўшиқ товушини ранг – баранг қилиш имконини беради.

Овоз бурмалари бўғизни бурма ости ва усти бўлақларига ажратади. Бўғизда ташқи ва ички мушаклар бўлади. Ички мушаклар товуш тирқишини беркитади ва овоз ҳосил қилади (фонатор мушак дейилади). Бўғизнинг ташқи мушаклар уни пастки жағ, тил ости суяги, пастдан кўкрак суяги билан боғлайди. Бу мушаклар бутун бўғизни кўтариб туширади, шунингдек маълум даражада тутиб туради, овоз ҳосил қилиш даражасида тутиб туради.

Пастдан бўғиз нафас бўйини ёки трахея билан туташади.

Трахея халқасимон кемирчалардан иборат найча тузилишида бўлади. Бу тоғай пластинкалар ўзаро доира ва бўйлама мушаклар билан ўзаро бирлашган. Доирасимон мушаклар қисқариб трахеяни ингичкалаштиради, бўйламаси қисқарганда уни кичрайтиради.

Трахея иккита йирик бронхга тармоқланади, улар ҳам шохлар сингари тармоқланиб кичкиналашиб бораверади. Энг кичик бронхлар ҳаво алмашилишини таъминловчи пуфакчалар билан яқунланади.

Барча бронхиал шохчалари ёпиқ тоғай халқалари билан беркилган трахея тузилишига ўхшайди. Трахея ва бронх мушаклари текис мушаклар сирасига киради ва бизнинг онгимизга боғланмай автомат тарзда ишлайди. Бронх хажми кичрайган сайин ундаги тоғай тўқимаси қисқаради ва мушакларни сиқади. Майда бронхлар асосан мушак тўқимасидан иборат бўлади. Уларнинг бундай тузилиши овоз ҳосил қилишда ўпка тўқималаридан чиқаётган ҳавони тартибловчи клапан вазифасини бажаради.

Ўпка пуфакчалари билан бирга барча бронхлар ўнг ва чап ўпкаларни ҳосил қилади, улар ташқи таъсирдан ҳимоя қилувчи кўкрак қафасида жойлашади. Кўкрак қафаси кесма конус шаклида бўлади. У олдиндан қовурға, орқадан умуртқа суяқларидан ҳосил бўлган. Умуртқа поғонаси кўкрак суяги билан ёйсимон қовурғалар орқали туташган.

Кўкрак қафаси қовурғалари мушаклар билан қопланган, улар нафас олишда иштирок этади. Бир хил мушаклар кўкрак қафасини кенгайтириш эвазига нафас олишга, бошқалари қовурғаларни ичга тортиб нафас чиқаришга хизмат қилади. Кўкрак қафаси асосини диафрагма ташкил этади. У кўкрак

қафаси ва қорини бўшлиғини ажратиб турувчи қудратли мушак органидир. Диафрагма пастки қовурғалар ва умуртқага бирикади, ўнг ва чап қуббаси бор. Нафас олганда диафрагма мушаклари қисқаради, ҳар иккала қубба тушади, кўкрак қафаси кенгаяди. Диафрагма бўйлама ва кўндаланг мушак толаларидан иборат. Унинг ҳаракати бизнинг онгимизга боғлиқ эмас. Биз онгли равишда нафас олишимиз ва чиқаришимиз ёки тўхтатиб туришимиз мумкин, лекин овоз ҳосил қилишда диафрагманинг мураккаб ҳаракати онг остида рўй беради.

Диафрагма ҳаво кириши ва товушлар ҳосил бўлиши ҳамда уларнинг кучи ўзгарганда тезликни бошқариб туради. Овоз қатламлари устида жойлашган бурун, оғиз, томоқ ва бўғизнинг юқори қисми бўшлиғи уланадиган найча деб юритилади. Бурун бўшлиғи бу найчанинг юқори қисмидир. У буруннинг юмшоқ тўқималари ва бош суягининг юз суяқларидан иборат. Ўртадан у бурун тўсиғи билан чап ва ўнг бўлақларга тақсимланади. Орқа тирқишлар, бронхлар, бурун бўшлиғи ҳалқумга туташади.

Бурун бўшлиғи деворларида майда йўлчалар бор, улар орқали у юз томонда жойлашган ҳаво ўтадиган бўшлиқларга туташади. Бу бўшлиқлар ўсимта бўшлиқ ёки буруннинг бўшлиғи деб юритилади. Улар ҳам бурун бўшлиғи каби шиллиқ қатлам билан қопланган. У касалланса бу бўшлиқлар йиринглаб қолади, бу эса бўшлиқ овозига таъсир қилади.

Буруннинг шиллиқ қоплами қон томирлар ва безларга, шунингдек тукларга бой, улар бурундан ўтаётган ҳавони иситади, намлайди ва тозалайди.

Бурун бўшлиғи остида оғиз бўшлиғи бор. Ёноқлар унинг ён девори ҳисобланади, оғиз тубида тил жойлашади, олд қисми лаблар билан беркитилган.

Лаблар қатламида уларни беркитувчи мушаклар бор, бу оғиз тирқишини ҳосил қилади ва унинг шаклини ўзгартиради.

Оғиз бўшлиғининг устки қисми суяк қатлампидан иборат, у оғиз бўшлиғини бурун бўшлиғидан ажратиб туради. У қаттиқ танглай деб юритилади, орқа томонда юмшоқ танглайга уланиб кетади.

Юмшоқ танглайнинг чети бўғиз бўшлиғида эркин осилиб туради, бу кичик тил деб юритилади (у фақат одамда бўлади). Юмшоқ танглайдан яна пастга иккита симметрик тарзда шиллиқ бурма парда осилиб туради. Бу бурмалар олд ва орқа томондаги ёйсимон тутқалардир. Ёйсимон тутқа қалинлигидан юмшоқ танглайни тил ва бўғиз бириктирувчи мушаклар ўтади.

Юмшоқ танглай сезгир асабларга туташиб кетган. Танглай қалинлигидаги мушаклар қисқарганда кўтарилади ва уни тортади. Қаттиқ ва юмшоқ танглай олд тишлар билан бирга танглай қуббасини ташкил этади. Унинг қисмларининг тузилиши кўшиқ овози сифатига таъсир қилади. Оғиз бўшлиғи орқа томондан катта тирқиш ҳалқум бўғизга туташади. Ҳалқум юқоридан юмшоқ танглай, ёнидан танглай ёйсимон тутқаси ва пастдан тил орқаси кабилар билан бирикади. Ҳалқум торайиши ва кенгайиши мумкин. У юмшоқ танглайнинг ёйсимон тутқасидаги мушакларни қисқариши ҳисобига тораяди.

Кўшиқ айтганда ҳалқум кенгаяди, бу юмшоқ ҳалқум кўтарилиши ва тилни туширилиши билан бажарилади. Бўғиз мушак найчасидан иборат, унинг

кенгайган қисми бош суягига бориб туташади. Бўғиз пасти торайиб олдиндан халқум, орқадан қизилўнгачга туташади. Ҳалқум юқори, ўрта ва куйи сингари уч қисмга бўлинади. Бўғизда лимфатик тўқима тўпланган бўлади, улар бодомсимон безни ташкил этади. Улардан кўпчилиги халқумни ва олд ва орқа танглай ёйсимон тутқасида мавжуд бўлади.

Бодомсимон без ҳимоя вазифасини ўтайди, уларда халқумга тушган микробларни ушлаб қолади. Бодомсимон безни шамоллаши ўткир тонзиллит ёки ангини деб юритилади. Бодомсимон безни каттайиб кетиши кўшиқ овозини ҳосил қилишга таъсир этади. Ҳалқум деворини бўйлама ва айлана бақувват мушаклардан иборат. Улар ёрдамида халқум каттайиши, кичрайиши, торайиши, ўз шакли ва хажмини ўзгартириши мумкин.

Овоз ҳосил бўлиш жараёни.

Ҳар қандай эластик жисм тебранганда атроф – муҳитдаги зарраларни ҳаракатга келтиради, улардан товуш тўлқини ҳосил бўлади. Бу товуш тўлқинлари бизнинг қулоқларимизга етиб келади. Табиатда товушлар шундан пайда бўлади. Инсон танасида овоз бурмаси шундай эластик аъзо ҳисобланади. Нутқ ва кўшиқ овозларни тебранувчи овоз бурмаси ва нафаснинг ўзаро алоқасида ҳосил бўлади.

Инсон кўшиқ айтишни хоҳлаганда овоз аъзолари бу вазифани бажаришга тайёр ҳолатга келади.

Кўшиқ жараёни нафас олишдан бошланади, бу пайтда ҳаво оғиз ва бурун бўшлиғи, бўғиз, трахея, бронхлар, ўпка кабилардан чиқади. Сўнгра бош миянинг асаб сигналлари таъсирида овоз букмалари, овоз тирқишлари ёпилади. Бу ҳаракат нафас чиқаришни бошланишига тўғри келади. Ёпилган овоз букмалари чиқаётган ҳаво йўлини тўсади, уни тўғри чиқиб кетишига йўл кўйилмайди. Нафас олинганда кирган ҳаво мушаклар ёрдамида сиқилади, бурма ости босим вужудга келади. Сиқик ҳаво юмилган овоз бурмасига босим беради ва товуш ҳосил бўлади.

Овоз аъзолари тебраниши кўшиқчи чиқараётган ҳаво оқимига ўтади, кўшиқчининг ўзи оператор сифатида бу жараённи эшитиб ва эътибор билан назорат қилади. Овоз аъзолари тебраниш частотаси қандай қилиб тартибланади, деган савол туғилади.

Сарбонна (Париж) нормал физиологияси лабороторияси ходими Раул Юссон ўз иши билан овоз аъзолари тебранишини ҳаво оқими босими остида катта частота билан ёпилаётган ва очилаётган одатдаги ҳаракат натижаси сифатида қараш мумкин эмаслигини таъкидлади. Овоз аъзоларининг тебраниш вазифаси алоҳида асаблар таъсири остида амалга ошади ва асосан марказий асаб тизими иши ҳисобланади. Нафаснинг ҳосил бўлаётган тебраниш частотасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Овоз аъзолари тебраниши фақат бўғиз орқали ўтаётган асабларга жавоб холос. Кўшиқчи ўзи кўшиқ айтмай бошқаларни тинглаётган пайтда ҳам худди шу хисларни туйиб туради. Ҳар бир тананинг ўзига хос анатомик, физиологик ва психологик хусусияти борлигини эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир кўшиқчини индивидуал тарбиялаш керак.

2-мавзу. Артикуляция аъзолари, дикция

Овоз букламларини нафас билан ўзаро алоқаси натижасида вужудга келган товушлар овоз букламлари ости ва устидаги бўшлиқлар ва тўқималар бўйлаб тарқалади.

Қўшиқ товушининг тахминин 80 % ўраб турган тўқималар орқали ўтаётганда йўқ бўлади, уларни тебранишига сарфланади. Ҳаво ўтаётган бўшлиқларда товушлар акустик ўзгаришга учрайди, кучаяди. Шунинг учун бу бўшлиқлар резонатор деб юритилади.

Юқори ва кўкрак резонаторлар фарқланади. Овоз букламларидан юқорида жойлашган барча бўшлиқлар юқори резонаторлар дейилади.

Бўғиз ва овоз бўшлиғи нутқ овозларини ҳосил қилади, овозни кучайтиради, унинг тебранишига таъсир қилади. Бош резонаторлар овозни тўғри ҳосил қилувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Кўкрак резонатори овозга тўла ва хажмли жаранглилик бахш этади. Кўкрак резонаторини ортиқча ишлатиш жаранглиликни оғирлашувига, интонацияни пасайишига олиб келади.

Одий анатомия

Бошловчи учун бу бобдаги материал мураккаб ва зерикарли бўлиши мумкин. Шунинг учун анатомия билан боғлиқ аниқ масалаларга фақат зарурият туғилганда мурожаат қилган маъқул. Овоз ва қўшиқни ўрганишга биринчи қадам қўяётганларни қуруқ анатомик маълумотлар билан кўрқитиб қўйиш яхши эмас. Лекин бу қисм ҳам “алифбо” материални талқин қилишда аҳамияти бор.

Нафас. Нафас механизми.

Мазкур масалада машхур вокалчи - педогоглар Ф.Лампернинг сўзларини доим ёдда тутиш зарур. У шундай деган эди: ”қўшиқчи овоз тарбиясининг дастлабки овоз билан эмас, балки ақл билан ишлаш лозим, агар овозни чарчатиб қўйилса, уни ҳеч қандай восита билан тиклаб бўлмайди. Яхши ақл – муваффақиятли иш гарови, у ҳам яхши овоз каби муҳимдир. Нафас қўшиқчилик асоси ҳисобланади. Яхши қўшиқ “нафас чиқариш махорати”, бунинг учун “нафас олишга” ўрганиш керак.

Бир нафасда гапириш ёки қўшиқ айтиш учун тегишли ҳаво хажми бўлиши керак, у томоқ орқали ўтиб “овоз асбобларини” жаранглашга мажбур қилади. Албатта бу ниҳоятда содда кўрсаткич, аммо бунда товуш ҳосил бўлишида нафаснинг муҳимлигини кўрсатиш асосий мақсад ҳисобланади.

Қўшиқ айтишда нафас фаол, мақсадга йўналтирилган, лўнда бўлиши зарур.

Нафас ўмров, кўкрак, қорин нафаслари сингари уч турга бўлинади, ўмров нафаси ниҳоятда юза бўлади. Нафас олганда кишининг елкаси кўтарилади, ҳаво ўпканинг устидагина олинади, кўкрак қафасини кенгайтормайди. Бундай нафас олиш кўшиқ айтиш учун ярамайди. Кўшиқ айтувчи кўкрак қафаси тўладиган қилиб нафас олиши керак, елка осойишта ва бел тўғри бўлиши керак.

Тасаввур қилинг, олдингизда ёнаётган шамни ўчиришингиз керак. Нима қиласиз? Ҳеч ким ўйлаб ўтирмай, кўкрагига нафас олади-да, пуфлаб ўчиради. Бу тўғри. Бунда яна такрорланг ва ҳаракатингизни кузатинг. Ҳаво кўкракни (ўпкани) тўлатади, сўнгра ташқарига йўналтирилади. Бундай ҳолат гапирганда ва кўшиқ айтганда содир бўлиши керак. Дастлаб нафас олинади ва чиқарилади.

Қобирғалар кўкрак қафасини ташкил этиш, унда юрак, ўпкалар жойлашини юқорида айтиб ўтилди. Ўпкаларда ҳаво тўлганда улар кенгайиб қобурғаларни ҳам кенгайтиради, бунда кўкрак нафаси дейилади. Машҳур педагог И.П. Пряничников: “ўпканингизни тўлатиб нафас олишни ўрганинг”, деб маслаҳат беради. Бунинг нафас аъзоларини мустаҳкамлайдиган машқлар тавсия этилади.

1. Кафтингизни қобирғанингиз устига қўйиб чуқур нафас олинг, елкангизни кўтарманг. Ҳаво босими остида қобирғанингиз кенгайётганини сезасиз. Бу етарли даражада ҳаво олганингизни билдиради. Нафасни энди чиқаринг, қўллар қобирғалар ўрнига келганини ҳис қилади.

2. Дастлаб тилингизни олд юқори тишлар томирига тиранинг. Тишлардан қаттиқ танглай бошланади. Мана шу зонани белгилаб олинг. Энди нафас олинг (кўлингиз қобирғада) қираётган ҳаво хажмини ҳис қиламиз, сўнгра нафас чиқаришда қаттиқ овоз билан санаймиз (1, 2, 3, 4 ...) бунда тилимиз тегиб турган зонани ҳис қилиб тураемиз. Мана шу зонага ҳаво оқимини юборамиз, ана шу ерда бизнинг сўзимиз пайдо бўлади, бунда тасаввуримиз ёрдам бериши керак. Қаттиқ танглайни баланд гумбаз деб тасаввур қилинг. Назорат остидаги нафас чиқариш (олиш) даги бундай нутқ тартибга солинган нутқ дейилади. Ҳавони бир текисда оқиб чиқишига ва бунда товуш, сўз ҳосил бўлаётганига эътибор беринг.

Машҳур педагог М. Гарсиа кўкрак ҳавони бир текисда олиб чиқаришга хизмат қилиши керак дейди. “Алифбо” нинг бу қисмидаги машқлар жуда содда. Улар худди гўдакнинг дастлабки қадам ташлашларига ўхшаб кетади. У бемалол қадам ташлаб кетиши учун қанчалар сабр – тоқат талаб қилинади, бизнинг ишимизда ҳам худди шундай. Аввалига биз нафас механизми ҳақида ўйлаб ҳам кўрмай кўшиқ айтавердик. Эндиликда нафасни, овозни йўлга қўйиш, уни ишлаб чиқиш вақти келди. Нафас олинганда қобирғаларни кенгайиши ҳам машқ қилиш эмас, бу “биринчи қадам” холос. Кўпинча одам бу машқдан ҳеч нарса ҳис қилмаётгандек бўлади. Бунда унинг мушаклари анчайин пишиб қолганлиги маълум бўлади. Энди бу босқичдан олға юриш мумкин. Баъзан инсонга табиатан йўлга қўйилган нафас, овоз ато этилади, лекин бу камдан – кам. Агар бажарилаётган машқдан янги ҳислар туюлса, уларни давом эттирган маъқул, бу кўшиқ нафасининг асоси.

Машқ ва кейинчалик қўшиқ айтаётган пайтда кафтни қуйи қобирғага қўйиб турган маъқул. Тўғри нафас олганда пастги қобирғалар фақат ёнга эмас, белга қараб ҳам кенгайишига эътибор бериш лозим. Айнан шу нафас тўлақонли кўкрак нафасини англади.

3. Бурун орқали кескин ва тез нафас олинг. Елкани кўтарилмаслигига эътибор беринг. Кескин, тез оғиз орқали нафасни чиқаринг. Бу машқ нимаси билин маъқул? У нафас аъзоларини фаоллаштиради. Сиз фаол, онгли назорат қилинаётган нафас олаяпсиз. Педагог Луканин уни бўғиз ва тўғри ҳолатга қўйиш учун тавсия этади. Бу ҳаво оқими билан овоз аъзоларини массаж қилиш ҳисобланади. Машғулатга келаётиб бу машқни бир неча бор такрорланг, бу овоз аъзоларини фаоллаштирибгина қолмай, эътиборни жамлашга ҳам ёрдам беради.

4. Оғиз орқали чуқур нафас олинг, чиқарганда да-да-да... денг. Тилингиз юқори олд тишлар томирида бўлсин, ундан товуш “сизиб” чиқсин. Тил қаттиқ танглайга урилиб титрайди. Паст жағ эркин, лекин “осилиб турмайди”. Тасаввур қилинг қаттиқ танглайингиз баланд гумбаз, “да” бўғинидаги “а” товуши жаранглаб чиқади. Нафас олиш меъёрда, охисда бўлишига эътибор беринг.

5. Чалқанчасига қулай ётинг, бир қўлингизни қоринга, бошқасини қобирғага қўйинг. Чуқур нафас олинг: қўллар қобирға ва қоринни кўтарилиб ишганини хис қилди. Нафас чиқарганда 1, 2, 3, 4... деб сананг. Рақамларни эркин, охиста талаффуз қилинг. Ҳавони тўла чиқариб юборманг. Бу машқга энг муҳими ўпкани тўлатиб нафас олиш ва чўзиб охиста чиқариш. 4- машқдаги сингари товушларни хис қилиш.

6. Машқни бироз мураккаблаштирамиз. 5- машқдаги каби ётар ҳолда, нафас олиш ва чиқариш чуқур, иккилик рақамлар саналади: 21, 22, 23... Муҳими рақамларнинг давомлилиги эмас, нафас олиш ва чиқаришнинг сифати.

7. Оғиз билан чуқур нафас олинг, бурун билан кескин ва тез чиқариб юборинг, бу сигир ёки отнинг пишқиришига ўхшайди. Товушни юқори тишларга тиранг, бунда лаблар енгил титрайди, буғиз эса катта ва эркин. Сигирга ўхшатишдан мақсад, унинг биқинлари катта, кучли нафас олади. Табиат ва ҳайвонлардан инсон эркинлик ва табиийликни ўрганиши зарур. Бу машқ орқали сиз нафасингиз энг чуқурга етиб бориши юзасидан кўникма ҳосил қиласиз.

8. Оғиз билан чуқур нафас олиш. Нафас чиқарганда “м” товушини чўзиб талаффуз қилинг. Лаблар бироз яқинлашади, лекин жипслашмайди. Қўллар нафас олиш ва чиқаришни кузатиб боради. Товуш бутун танада “акс-садо” беради. Бўғиз кенг, бош ва кўкрак резонаторини бирлаштиради. Товуш чўзиқ. Сўнгра “м” товуши “н”, “в”, “з” товушларга алмаштирилади, талаблар ўзгаришсиз қолади.

9. Юқоридаги машқ каби, фақат ундошга унли қўшилади: “МА...”, “ВА...”. Товуш шакли ўзгармаслиги, нафас узулмаслигини кузатиш лозим.

10. 9 – машқни такрорлаймиз. 2 бўғин такрорланади ва иккинчи бўғин чўзилади: “МА-МА”. Доим хислар тўғрилигини текшириш, нафасни назорат

қилиш. Бутун танангиз бўйлаб тарқалаётган жарангни хис қилинг. Бўғинларни шошмай, танаффус қилмай талаффуз қилинг. У тугагач нафас олинг. Бўғин ва унли товуш алмашинган товуш бўёғи, хажми ва кучини ўзгартирмаслиги керак.

ма – ма	на – на	ва – ва	за – за
ма – мо	на – но	ва – во	за – зо
ма – ми	на – ни	ва – ви	за – зи
ма – му	на – ну	ва – ву	за – зу
ма – мэ	на – нэ	ва – вэ	за – зэ

Бу машқ нафаснинг чўзиқлигини таъминлайди, у ҳар бир унлини бир шаклда, текис жаранглашига ёрдам беради. Машқ товушнинг юқори ва паст нуқтасини асосини, диафрагмасини хис қилишга олиб келади.

11. Тасаввурдаги шамни пуфлаш лозим. Кафтни қобурғага қўйинг. Чуқур нафас олиб “шамни пуфланг”. Табиат сизнинг ҳаракатингизни қанчалик тартибга солишига эътибор беринг, ўпкадаги ҳаво аста чиқиши, қобирға секин пасаяди. Қўшиқ айтишда ҳам ҳаво шундай аста чиқиши керак, олинган нафас бутун бир сўзлар қаторига етиши лозим.

Бу машқ кўшиқ айтиш жараёнидаги нафас олиш ва чиқариш ҳақида яхши тасаввур беради. Машқни тез-тез, зўриқмасдан, эътибор билан бажариш зарур. Баъзан уни ўз хисларини тўғри эканлигини текшириш мақсадида кўшиқнинг ўртасида бажариш мумкин.

Яна бир муҳим нарса. “Шамни пуфлаш” чоғида нафас олиш ва чиқариш ўртасида маълум тўхталиш бўлади – бу аъзоларни нафас олишдан чиқаришга мослашаётган лаҳзасидир. Бу лаҳза жуда муҳим. Энг муҳими бу лаҳза кўшиқ айтиш чоғида ҳам шундай табиий бўлиб қолиши керак.

Энди лабларингизга эътибор беринг. Ойнага қаранг. Тасаввурдаги шамни пуфлаш учун лаблар бутун ҳаво оқимини унга йўналтиришга ҳаракат қилади. Юз бунда ўзгармай табиийлигича қолади, лаблар эса фаоллашади. Энг муҳими, ҳаммаси табиий ва уйғун бўлиши керак. Бунда ойна катта ёрдам беради. Кўшиқ айтганда ҳам бу табиийликни сақлаб, онг билан бошқариш даражасига олиб чиқиб қўймаслик зарур.

Нафас олиш ва чиқаришда такомилга ва эркинликка эришиш учун бу машққа кўпроқ мурожаат қилинг. Зеро “кўшиқ санъати – бу нафас чиқариш санъати” дейишади, уни оғишмай эгаллашимиз лозим.

Бу барча содда машқлар кўкрак нафасини ривожлантиради, кўшиқ поэзияси, резонаторлар ҳақида дастлабки тасаввурларни беради. Бу машқлар натижасида ҳосил қилинган кўникмалар вокал машқлари билан мустаҳкамланади, яъни вокал машқларига қўчирилади. Кўкрак нафасидан қониқиш ҳосил қилгандан кейингина диафрагма нафаси ҳақида ўйлаш керак бўлади. Бу ерда шошилиш ярамайди, негаки вақти етмасдан туриб диафрагма ҳақида ўйлаш қорин мушакларини нотўғри ишлатишга, кучанишга олиб келади, бу кўшиқ таълими жараёнини тезлаштирмайди, кейин янги носозликларга олиб келади.

Дарҳақиқат, диафрагма танадаги энг катта мушак ҳисобланади, у жуда катта вазифани бажаради. Масалан, тиббиёт ходимлари диафрагмани вена

юраги деб атайдилар, кўринадики, унинг қон айланишидаги вазифаси улкан. У кўкрак ва қорин бўшлиғини ажратиб туради, юрак ва ўпкани зарарланишидан асрайди.

Юқорида ўпкага ҳаво олинганда кўкрак қафаси қобирға ва пастдан диафрагма ҳисобидан кенгайишини айтиб ўтган эдик. Диафрагма гумбази ўпкадаги босим каттайиши билан қисқаради ва тушади. Ўз навбатида диафрагма юқоридан қорин бўшлиғини босади, шунинг учун нафас олганда қорин шишади. Нафас олганда қобирғалар ёнга, қорин олдинга чиқиши шундан.

Кўшиқ нафасини амалга ошириш учун бел тўғри ва қомад олд бўлиши керак. Негаки диафрагма ўзининг елпигичсимон мушаклари билан юқори бел умуртқаларга туташади. Бел бўлими диафрагма қисқарганда таянч вазифасини ўтайди.

Назорат қилинадиган ва тартибланадиган нафас чиқариш кўшиқ нафасининг энг мураккаб вазифаси ҳисобланади. Бунга диафрагма нафасни эгаллаш билан эришилади, негаки айнан у чиқарилаётган ҳаво оқимини бошқариши ва тақсимлашга, кўкрак қафасининг кўшиқчилик хажмини сақлашга ёрдам беради. Кўшиқ – бу нафас чиқариш санъати, лекин ҳар қандай кўшиқчи ҳам бу маҳоратни эгаллайвермайди.

Дастлаб кўшиқнинг бошидаёқ бутун нафасни тўла чиқараб юбормасликка, уни аста чиқариб кўшиқ охиригача тўғри тақсимлашни ўрганиш лозим бўлади. Яна “шам” ни ўчириш машқига қайтамиз, лекин бу сафар нафасни қўл билан назорат қиламиз.

Бир қўлни қоринга, бирини қобирғага қўйинг ва “шамни пуфлаб ўчиринг”, қўл билан диафрагма ҳаракатини кузатинг. Сиз диафрагма ҳавони бирданига чиқариб юбормай “ушлаб туринг” сезасиз. Қорин билан ҳавони тезроқ чиқаришга кўмаклашинг. Қорин аста кўтарилаётгани, кўкрак қафаси нафас олишдаги каби кенг ҳолатда қолаётганига эътибор беринг. Нафас олишда тўғриланган диафрагма нафас чиқаришда ўз шаклини кескин ўзгартиради, аста ўзининг гумбазсимон ҳолатига қайтади, айнан шу ҳолат кўшиқ нафас чиқаришга ёрдам беради.

Кўшиқ айтганда кўкрак қафаси хажми кескин қисқармаслиги керак, кўшиқ нафасини чиқаришнинг моҳияти айнан шундаки, нафас сарфланади, ҳаво чиқади, кўкрак қафаси хажми эса кичраймайди.

Энди “шам ўчиришни” товуш билан такрорланг, яъни хоҳлаган товушни кўшиқ қилиб айтинг, қўл билан нафас чиқариш “механизмини” кузатинг. Кўшиқ айтаётганда кўринг қисилиб қолмаслиги ва ишиб кетмаслигига эътибор беринг.

Қорин мушаги ва диафрагма кўшиқ нафас чиқарилишини тартиблайди, кўкрак қафаси эса овоз чиқараётганда ўз шаклини ўзгартирмай уни кенг хажмли, кучли бўлишига имкон яратади. Айнан шу нарса вокалда диафрагма таянчи ва кўкрак қафасидан фойдаланиш деб юритилади. Ушбу жараёнга диққат билан эътибор берилса талаба диафрагма нафаси механизмини тез тушуниб олади. Таълимнинг бу босқичида вокал топшириқлари содда бўлиши керак, шунда талаба ўз олдида турган вазифа ва қийинчиликларни тушуна

олади. Диафрагма нафаси техникасини эгаллаш кўшиқ айтаётганда нафасни бир текис, яхши босим билан чиқариш имконини беради, шу билан товуш жарангли ва силлиқ бўлишига эришилади. Ҳавони аста чиқариш уни тўла товуш тўлқинига айланишига имкон беради. Нафасни тўла товушга айлантира олиш кўшиқчилик нафасини бошқара олиш маҳоратидан дарак беради. Нафасни бошқара олмайдиган кўшиқчилар одатда ўпкасини тўлатиб нафас оладида, кўшиқнинг бошидаёқ уни чиқариб юборади.

Нафас товушни кўллайди, у товушга такомиллашмайди ва бунда қарама – қаршилиқлар йўқ, негаки бу ўзаро мувофиқ равишда такомиллашувчи жараёндир. Товушсиз кўшиқчилик нафасини ривожлантириш мумкин эмас ва аксинча бўлиши ҳам мумкин. Бу боб бошидаги машқлар тайёргарлик машқлари ҳисобланади. Улар мушакларни мустаҳкамлайди, ривожлантиради, кўшиқчилик нафаси ҳақида тасаввур беради. Кўшиқчилик нафасини отилиб чиқаётган фаввора оқимида ўхшатилади, у тинимсиз отилиб турганлиги туфайли устидаги енгил тўпни туширмай ушлаб туради. Шу аснода товуш ҳам узлуксиз сиқаётган нафас ёрдамида “тутиб туриши” лозим. Агар матн узунроқ бўлса қорин пастидан сиқилади, шу аснода нафаснинг қолгани ҳам чиқарилади ва матн охирига етказилади. Кўшиқ айтишни ўрганаётганда нафасни кўрсатишдан осони йўқ, нафасга таяниш ва чиқаришни тушунтириш қийинроқ. Баъзи кўшиқчилар умрининг охиригача ҳам “нафасда кўшиқ айтиш” нималигини тушунмай кетади. Бошловчи кўшиқчилар нафасни матннинг охиригача етказишни билмайди. Нафас чиқаришни такомиллаштириш учун вокал машқлари жуда содда, осойишта бўлиши керак. Уларни текис товушлар иштирокида куйлаш лозим. Бу пайтда эшитиш ва мушакларни назорат қилиш муҳимдир. Кўллар билан жараённинг тўғрилигини назорат қилиб борилади. Содда нафас машқлари вокал билар уйғунлаштирилади. Талаба товушлар талаффузини тамомлаши биланок кўкрак ёки диафрагма қисмидаги бутун ҳавони чиқариб юбормаслиги керак. Бунга эришиш анча қийин, лекин бу чиройли куйлашнинг ягона йўлидир.

“Вокал шаклини” сақлаш устидан назорат ва пауза пайтида аввал сарфланган нафасни тўхтатиш техникаси силлиқ, ихтисослик товуши кафолатидир.

Кўшиқ жараёнида вокал шаклини сақлаш учун мусиқа истилоҳи ва товуш тугаганидан кейин ҳам нафас заҳираси сақланиб қолиши керак. Бунда ҳар бир янги нафас аввалгиси устидан қатлам ҳосил қилади ва кўшиқ айтиш чоғида янги нафасни тез олиш имкони яратилади.

Бошловчи кўшиқчиларда нафас суст ёки жадал бўлади. Суст нафас эса етарли ривожланмаган мушаклардан дарак беради. Жадал нафас эса мушакларни фаоллашувини кўрсатади ортиқча кўп қайта нафас олинади, товуш шовқинига қоришиб кетади. Шовқинга келсак, у овоз аъзолари қатламини етарли такомиллашмаганидан, трахея ва бронхлардан овозни меъёрда оқиб чиқмаётганлигидан келиб чиқади. Шовқиндан қутилиш учун кўшиқчи эътиборини нафас олиш чоғида шовқинга қаратилади. Яхши эснаш ва чуқур, осойишта нафас шовқинсиз нафас олишга ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бошловчи кўшиқчилар бажариши лозим бўлган айрим кўникмалар тавсия этилади.

1. Кўшиқ айтиш чоғида қомат тўғри тутилади, елкалар ва бош эркин бўлади. Бу кўшиқ айтувчининг бутун мушаклари, овоз аъзолари меъёрида ишлаши учун зарур бўлади.

2. Ҳеч қачон тўйиб овқат еб кўшиқ айтилмайди, негаки бу ҳолат диафрагмани эркинлигини ва ҳаракатчанлигига путур етказди. Овқат егандан бир соат кейин кўшиқ айтган маъқул.

3. Нафас олиш шовқинли бўлмасин, бунда кўшимча товушлар кўшилиши мумкин эмас.

4. Бошловчи кўшиқчилар нафасни оғиз ва бурун ёки оғиз очик пайтда бурун билан олиши мумкин. Гап шундаки оғиз ёпиқ бўлганда дарҳол чуқур нафас олиб бўлмайди. Оғиз ва бурун нафаси шовқинсизроқ бўлади. Оралиқ пайтда фақат бурун билан нафас олган маъқул, шунда овоз шиллик пардаларни намланиб туради.

5. Чуқур нафас олганда табиий бўлиши керак, ортиқча нафас диафрагмани сиқиб кўяди.

6. Нафасни тўла чиқариб юборманг, негаки бу ҳам эркинликни ва табиийликни бузади. Нафасни тўғри тақсимлаш орқали товушнинг гўзаллиги, бадиий жихатдан тўлақонли, овознинг умрбодлиги таъминланади. Энг мухими нафас олганда ортиқча ҳаво ютмаслик, чиқарганда бутун нафасни сиқиб ташламаслик керак.

7. Товушни тугатиб талаба тезлик билан кўкракни тушириши ёки диафрагмани бўшатиш йўли билар нафасни тўла чиқариб юбормасин, нафас олиш ва чиқариш ўртасида “вокал шаклини” сақлаб турсин.

8. Нафас олиши ва товуш бошланиши (нафас чиқариш) ўртасидаги танаффус бир лаҳзалик бўлсин, бу лаҳза ниҳоятда муҳимдир: а) у нафас чиқаришни ташкил қилади; б) томоқни қуритадиган ва тўғри интонацияга ҳалақит берадиган нафасни бартараф этади; в) ҳавонинг йўлини тўсади; г) “Х” товуши билан нафас олинади; д) жумла бошида нафасни йўқотиб кўймайди; е) нафас чиқариш олдидан дарҳол тўхталиш, барча аъзоларни шайлаш имконини беради.

9. Товушсиз, сўзсиз кўшиқ нафасини машқ қилиш мумкин эмас.

10. Нафас олиш сал олдинроқ амалга оширилади.

11. Томошабинлар сезмайдиган қилиб нафас олиш зарур.

12. Тез-тез нафас олиб жумлани бўлиб юбормаслик, уни чиройли талаффуз қилиш учун нафасли нафасни (кўшиқ нафасини) машқ қилиш зарур. Тез-тез нафас олиш яхлитликни бузади.

13. Фақат лаҳзалик танаффусда ёки мусиқа ва адабий матнга ҳалақит бермайдиган жойда нафас олинади.

14. Нафас олиш – бу ифодавийлик воситаси эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак: а) қувноқ мусиқа – енгил, тез нафас; б) диафрагма мусиқа – оғир, аста – секин нафас; в) азобни ифодаловчи хиссий мусиқа – узун – юлуқ, шовқинли нафас. Аммо қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар

ижрочи нафас – бу кўшиқ асоси эканлигини унутмаслиги ва кўшиқ нафасига зарар етказиб сахнавий тасвирга берилиб кетмаслиги керак.

15. Нафас машқларида чарчашга йўл кўймаслик керак, негаки нафас чарчаши товушни титратади.

16. Ҳар қандай танаффусдан дам олиш, чарчокни чиқариш, тўлақонли нафасни тиклаб олиш учун фойдаланиш лозим.

Ўзининг танаси тузилиши устида, товуш ҳосил қилишидаги кўплаб мушак ва рухий жараёнларни мураккаб мувофиқлашуви устида сабр - тоқат, чидам билан ишлаган кўшиқчи ўзига ҳам, томошабинларга ҳам қувонч улаша олдиган бўлади.

Энди “овозни йўлга кўйиш” масаласига ўтишдан аввал артикуляция аъзолари тўлароқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Дикция

Артикуляция аъзоларнинг ишининг жадаллиги ва уюшқоқлиги нутқ товушлари талаффуз сифати, сўзларнинг аниқлигини белгилайди. Аксинча, талаффуз аъзолари ишидаги сустлик ёмон дикция сабабчиси бўлади.

Кўшиқчининг оғзи эстетик, чиройли бўлиши лозим, бу жағлар, тил, лабларга боғлиқ. Кўшиқ айтиш чоғида оғизни чиройли очиш тил, хиқилдоқ ва бутун овоз аъзоларини тўғри жойлаштирилишга имкон беради. Пастки жағнинг сиқиклиги оғизни очишга халақит беради ва бу хиқилдоқни юқорига тортиб қўяди ҳамда бўғизда кўшиқ айтишга олиб келади. Жағнинг сиқиклиги тилни ортикча ишлашга мажбур қилади, негаки у унлилар талаффузида бош ролни ўйнайди. Пастки жағ эркин, сиқилмаган пассив бўлиши керак. Лекин пассив бўлиб у осилиб турмаслиги. У чакка мушаклари ва ундошларни талаффуз қилаётган лаблар билан тутиб туради.

Лаблар унлилар ҳосил бўлишида иштирок этади ва лабланган ундошларни ҳосил қилувчи ҳисобланади. Лаблар ҳолати кўшиқчи товуши тембрига таъсир қилади. Табассум тембри ёритиб юборади.

Юмшоқ танглай овоз ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Унинг ҳолати оғиз – бўғиз каналининг тебраниш хусусиятига ва шаклига жиддий таъсир қилади. Тадқиқотчилар уни ҳалқум ва димоғ билан боғлиқлигини таъкидлайдилар, бу товушнинг бўёғига таъсир қилади. Шу сабабли кўшиқ айтишда юмшоқ танглай фаол бўлиш шарт. Бизнинг онгимизга боғлиқ бўлган артикуляция аъзоларига тегишли йўналишда таъсир қилиб, бутун овоз аъзоларини бошқарашимиз мумкин.

Эркинлик, табиийлик, мутаносиблик, эътибор билан мақсад сари интилиш кабилар ҳақиқий ижодга йўл очади. Кўшиқ айтувчининг юзи эркин бўлиб, “Техник вокални” акс эттирмаслиги керак.

Жағларнинг ўта ҳаракатчанлиги хиқилдоқни сиқиб қўяди ва овоз тебранишини йўққа чиқаради. Агар тишлар бир – бирига киришиб турса, овоз хиқилдоқдан чиқади. Агар лаблар карнай сингари чўзиладиган бўлса, оғир ва вовуллашга ўхшаш товушлар пайдо бўлади. Агар оғиз балиқнинг оғзига ўхшаб очиладиган бўлса, овозни ўчиради, унлилар талаффузи бузилади ва юз хунук

кўриниш олади. Оғизни “О” шаклида очиш керак, шунда пастки жағ оғирлиги пастга тушади.

Кўшиқчининг эътибори унлилар оқими ва боғланишига қаратилиши зарур. Шу билан ундошлар оқими тўғри ташкил этилади. Уларнинг талаффузи унлиларга ҳалақит бермаслиги керак.

“Юлуқ” дикция нафақат вокал, балки бадиий жиҳатдан ҳам зарарлидир. Яхши кўшиқчининг дикцияси яхши, ёмонники ёмон бўлади. Бу дикцияни тўғри овоз ҳосил қилиш билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

3-мавзу. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари.

Нутқ сўзлаётганда ёки кўшиқ айтаётганда тингловчига қаратилган сўзимизнинг талаффузи аниқ, ифодали ва томоша залининг охири қатордагиларга ҳам эшитиладиган бўлиши зарур.

Яхши дикция ҳосил қилиш, яъни сўзларни аниқ, тиниқ талаффуз қилиш керак. Яхши натижаларга эришиш учун артикуляция аъзоларини такомиллаштириш устида ишлаш, унинг техник имкониятларини ишлаб чиқиш зарур.

Артикуляция аъзолари нутқ товушларини ҳосил қилувчи овоз аъзолардир. Бу органларни нутқ товушларини яратишга қаратилган иши артикуляция деб номланади.

Артикуляция аъзоларига оғиз бўшлиғи (лунж, лаблар, тишлар, тил, жағлар, танглай), ҳалқум, бўғиз кабилар қиради. Оғиз бўшлиғи муҳим тебраткич ҳисобланади, товуш сифати унинг “тузилишига” боғлиқ.

Табиийлик ва фаоллик артикуляция аъзоси ишининг биринчи шarti ҳисобланади. Турли сиқиклик бартараф этиш ва турли мушаклар ҳамда органларнинг аниқ ишини таъминлаш орқали табиийликка эришиш мумким. Албатта “бартараф этиш” дейиш осон, энг аввало камчилик аниқланади ва узоқ муддат ойна олдида машқ қилиш орқалигина бундай камчиликларни йўқотиш мумким. Бунинг учун оддий машқларни бажариш кифоя.

Фаол табиийлик ёки фаол эркинлик – бу меъёрдаги товушни талаффуз қилишнинг ҳаётий тарзидир, фақат бунда унга фаоллик билан ишлов берилади. Фаоллаштириш натижасида яна бир сиқикликни вужудга келтириб кўймаслик керак. У шунингдек қулайлик, табиийлик ва эркинлик туфайли вужудга келиши мумким. Сиқилган жағ билан кўшиқ айтган кўшиқчи ёмон кўшиқчи ҳисобланади. Ижод чоғида уйғунлик ва табиийлик таъминланиши зарур. Уларни таъминлашда ойна жуда катта ёрдамчи бўлади. Негаки сиқиклик фақат товушга эмас, балки гапирувчи ва кўшиқ айтувчининг юзида ҳам акс этиши мумким. Уларни бартараф этиш учун бир қатор машқлар тавсия қилинади.

1. Оғзингизни анатомиясини кузатинг. Ойнага қаранг юз осойишта. Лаблар табиий шаклига эътибор беринг. Энди уларни фаоллаштиринг; лабларни чапиллатинг, думалоқланг, юқори лабни кўтариб, тишларни очинг. Оғизни очинг. Унинг шакли қандай тўқис тузилганлигига эътибор беринг,

пастки жағда тил осойишта ётибди. Тил орқасида кичик тил кўринади. Эснаб кўринг, юмшоқ танглайни хис қилинг, негаки тишлардан қаттиқ танглай бошланади юмшоқ танглай давом этиб кетади, сўнгра ҳаракатчан танглай ва кичик тил.

2. Тилни фаоллаштириш учун уни ёнга, олдинга, орқага, айланма ҳаракат қилдириг. Тил учуни у ёқ бу ёққа ўтказинг.

3. Тил учини чис қилинг, у болғага ўхшайди. Тил учи билан тишларга ички томондан туртинг, унсиз да-да-да денг. Оғзингизни “баланд осмон” деб ўйланг, тез Т-Д, Т-Д, Т-Д товушларини талаффуз қилинг.

4. Оғингизни ичидан кузатинг, тил пастки жағда осойишта ётибди, унинг учи тишларга тегиб турибди. Юқорида “баланд осмон”. Тил осойишта, шунинг учун ҳалқум ҳам осойишта. Бу ҳолатни эслаб қолинг. Агар эслаб қолишни иложи бўлмаса ойнани олинг ва яна оғзингизни очиб кузатинг, сўнгра унинг тузилишини тасаввур қилинг. Вокалчи – педагоглар тил ўрқач бўлиб ётса ҳалқумга куч келиши ва қўшиқ айтишга халақит беришини яхши билади. Тилни мажбурлаб текис ётқизиб бўлмайди, ойна ёрдамида уни текислашга ҳаракат қилиш керак. Бунга кўзлар ва эътибор яхши ёрдам беради.

5. Тил ва ҳалқумни эркин қилиш учун қуйидаги топшириқни бажаринг: бурундан тез, қисқа ва чуқур нафас олинг, сўнгра оғиздан тўла чиқаринг. Нафас кескин чиқарилади, “фу” товуши билан бутун нафас аъзолари бўшатилади. Ҳалқум мушакларини мустаҳкамлаш учун к-т, к-т, к-т, товушларини кескин талаффуз қилинг.

6. Лаблар мушакларини фаоллаштириш учун ёноқларингизни ишширинг, сиқилган лаблар орасидан ҳавони кескин чиқариб юборинг. Бирданига п-б, п-б, п-б, товушларини талаффуз қилинг.

7. Бу машқлар пастки жағни эркирлаштириш учун . Оғизни очиб жағни у ёқ бу ёққа силжитинг, эркин ҳаракат қилинг. Машқни ойна олдида бажаринг, енгил чарчаш ҳосил бўлгунча давом эттиринг. Пастки жағ эркин бўлсин, лекин очилиб қолмасин. Оғир, осилиб турадиган жағ ҳалқумни босади, товушни шаклсиз қилиб қўяди.

8. Жағлар сиқилиб қолмасин. Олд тишлар билан шаққиллатинг. Яна сиқиклик ҳосил бўлиб қолмаслиги учун ойнага қараб бажаринг. Юз ифодангиз осойишта бўлсин. Юзингизни кузатишга ўрганинг. Юқоридаги топшириқларнинг қайси бири сизга қийинчилик туғдираётганини кузатиб боринг. Сизга ноқулай бўлган машқларни кўпроқ такрорланг. Нафас устида ишлаганда чарчамаслик, артикуляция аъзолари устида ишлаганда енгил чарчаш асосийси ҳисобланади. Бу енгил машқлар сизнинг артикуляция аъзоларингизни такомиллаштиради. Машқ жараёнларини ойнада кузатиш хотира ва тафаккур учун ахборот беради. Кўпинча киши “машқ” сўзини эшитгач ҳаракатларини табиийлигини йўқотади, айниқса бошловчиларда асабийлашиш, сиқилиш ҳосил бўлади. Талабани тавсия этилаётган вазиятга (масалан, “шамни ўчиришга”) табиий равишда, тез кира олишга ўргатиш зарур. Гап шундаки , агар “машқ қиламиз” дейилса бошловчи тажрибасиз талаба дарҳол табиийлигини йўқотиб, ўзини таранг, асабий тута бошлайди.

Уларни ишчи вазиятга дарҳол кира олишига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

9. Ёд биладиган шеър ёки матндан парчани олинг. Ойна олдида уни ўқинг. Ўқиш пайтида ташқи қиёфангизни кузатинг. Овозингизга эътибор беринг. Эстетик идрок, табиийлик, ҳар томонлама мутаносиблик, жисмоний ва руҳий эркинлик баҳолаш мезони бўлиб қолади. Кўпинча бошловчилар учун ойна олдида ишлаш ҳақиқий синов бўлиб қолади. Ойна олдидаги ишингиз ўзингизга ёқиши зарур. Ҳар қандай жумлани талаффуз қилишдан аввал нафас олинг ва уни танглайга қаратиб йўналтиринг. Овозни йўлга қўйиш билан шуғулланишни бошлаганингизда барча товушлар нафас билан уйғунлашуви зарур, буни оддий нутқда ҳам қўллаверинг.

10. Ҳар бир янги жумла олдидан нафас олишга ўрганинг. Шеър ёки матндан парча ўқиётганда ҳар бир жумлада нафас олинг. Нафасни ўзингизга маъқул бўлган даражада, онгли равишда олинг, негаки нафас овоз жарангли, ифодалиги учун ҳам зарурдир. Демак нафасни нафақат жумладан олдин, балки тиниш белгиларида ҳам олиш зарур. Нафас олиш шовқинсиз бўлишига эътибор беринг, негаки ҳар қандай ортиқча товуш матнни идрок этишга халақит беради.

11. Юқори ёки паст товушларнинг қайси бири учун кўпроқ нафас зарурлигини кузатинг. Баланд товуш учун кўпроқ нафас зарурлигини дарҳол тушуниб етасиз, паст овоз камроқ нафас олишни, лекин нафас чиқаришни яхшироқ назорат қилишни талаб қилади. Паст нутқда ҳам тингловчиларга етиб бориши зарур.

12. Шеър ёки матнни баланд овозда ўқишга ҳаракат қилинг. Бу овоз аъзолари учун яхши машқ бўлади. Баланд овоздаги талаффуз яхши жаранглайди, лекин бундай талаффуз жағлар, томоқ, тил. Лабларни сиқиштириб қўймаслиги керак. Ундошлар кескин, аниқ ва енгил талаффуз қилинишига эътибор бериш зарур. Улар унлилар оқимида халақит бермаслиги керак. Ундошлар кетма-кетлиги овоз аъзосини сиқилишига олиб келади.

13. Унлиларни текис оқимда, ундошларни аниқ, кескин талаффуз қилиш учун бир унлидан ташкил топувчи шеър ўқиш тавсия қилинади. (шеър)

Бунда унлиларнинг текис оқими сезилади. Энди унлилар орасига аниқ ва енгил ундошларни қўйинг, унлилар текислиги ва гўзаллигига халақит берманг. Бунда сўз яқин жойда (тишда) қолсин, ҳалқум эркин, нафас - фаол. Бу машқни қўшиқ айтишдан аввал адабий матнда, сўнгра мусиқада бажарилади. Бир унлили асар асосидаги қўшиқ яхши кантилена беради.

14. Тез айтишлар машқ учун жуда маъқулдир. Тез айтиш аввал аста ўқилади, сўнгра овоз аъзоларини ўргатиш асносида тезлаштириб борилади. Талаффуз ритмиклиги, темп, дикция сақланади.

(Тез айтишлар.)

15. Сўзлардаги қўшимчаларни аниқ талаффуз қилиш зарур, бу дикцияни яхшилайти, аммо ундошларни йириклаштирмай, оғирлаштирмай, балки фаол талаффуз қилиш билан боғлиқ қонидани унутмаслик керак.

16. Маромни чўзиб юбориш айниқса қўшиқ айтишда зарарли.

17. Қайсидир товушни талаффуз қилишда қийналаётган бўлсангиз луғатдан ана шу товуш билан бошланадиган сўзлар берилган саҳифани очинг ва талаффузда қийналаётган товушингизга эътибор бериб сўзларни ўқинг. Буни кўп бора такрорлаш талаффузингизни яхшилайти. Бунинг учун магнитофондан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Луғат эса сизга керакли бўлган сўзларни ўйлаб топишдан қутқаради.

18. Овозингизни акустик ва тембр хусусиятини яхшилаш учун ҳалқум, тил мушакларини ривожлантириш зарур. Овозсиз А-Э-О товушларини оғизни катта очмай талаффуз қилинг. 10 марта такрорланг. Бу барча маслаҳатлар ва машқлардан кейин қуйидаги хулосаларга келиш мумкин бўлади:

а) Артикуляция аъзолари билан ишлашда машқ, онгли назорат, эътибор лозим бўлади.

б) Ойна билан ишлаш ниҳоятда муҳим.

с) “фаол эркинлик” устида ишлаётганда ўз-ўзига нисбатан ўта талабчан бўлиш зарур, ҳеч қандай сиқикликка йўл қўймаслик керак.

д) Артикуляция аъзоларини машқ қилдиришда жуда кўп такрорлашга тўғри келади. Мушаклар чарчашидан кўркманг, фақат янги сиқиклик пайдо бўлмасин.

е) Яхши ижрочилар ёзувини эшитиш муҳим, негаки эшитиш мушаклар хиссини яхшилайти.

Юқоридагилар амалий маслаҳатлар эди, энди бироз назария.

Қўшиқ айтишда овознинг бутун диапазонидан фойдаланилади, нутқда унинг фақат бир қисми етарли бўлади. Овоз туридан (тенор, бас, баритон, сопрано, меццо) қатъий назар гапираётган одам ўз овозининг ўртача имкониятидан фойдаланади, негаки бу даража овоз учун маъқул бўлади, у чарчаб қолмайди.

Қўшиқ овози сўзлашуvidан нафақат диапазон ва кучи билан, балки тембри ва бой ранги билан ҳам фарқланади. Қўшиқчи дикцияси унлиларни шаклланишига боғлиқ, одатдаги нутқда эса унли ва ундошлар тенг вақт оралиғида талаффуз қилинади ва нутқ дикцияси тўлалигича ундошларни аниқ талаффуз қилинишига боғлиқ.

Қўшиқ овозини ҳосил қилишда артикуляция аъзоси иши бир неча марта ортади. Қўшиқ айтганда ва нутқда ундошлар деярли бир хилда шаклланади, лекин қўшиқда улар аниқ ва енгил талаффуз қилинади. Қўшиқдаги унлилар талаффузи нутқдагидан фарқланади. Қўшиқ айтганда оғиз бўшлиғи ўта осойишта эркин ҳалқумда унлиларни ҳосил қилади, бу оғиз бўшлиғининг аниқ ишлаши ва унинг вокал дикциясини кучайтиради. Нутқда унлилар алмашинуви билан ҳалқум ўз ҳажми ва шаклини кескин ўзгартиради.

Вокал ўқитувчилари шунга эътибор қаратганларки, вокал товуши бўлган унлилар талаффуз қилинаётган товушнинг бутун давомийлигини қамраб олади. Ундошлар максимал қисқаради, ўта аниқ ва тиниқ талаффуз қилинади. Контилен хусусиятларидан бири айнан шунда. Унлилар қўшиқ товушини ўраб олган қобикқа ўхшайди, шунинг учун қўшиқ овози тарбияси вокал унлиларни шакллантиришдан бошланади. Айнан унли товушларда овознинг асосий вокал

сифатлари шакллантирилади. Қўшиқ овознинг бадиий қиммати вокал унлиларини тўғри шаклланишига боғлиқ.

V. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари.

Ишдан мақсад: Вокал ҳақида умумий тушунча бериш. Вокал фаолиятини режалаштириш бўйича машқлар орқали мустаҳкамлаш. Вокал ижрочилик фаолиятини ташкил қилиш усуллари ўрганиш. Ижодкорликни юзага чиқаришдаги тўсиқлар, ижодкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. **Махсус хона, проектор, стикер, ватман, фломастер.**

Масаланинг қўйилиши: Ижодий жараённи қуйидаги қадамлар кетма-кетлигида тақдим этинг:

1. Муаммо баёноти (вазифалар)
2. Тайёрлаш (топшириқни ўрганиш, тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш)
3. Эҳтиёжларни топиш, инкубацион (манتيқий ва бирламчи ахборот ишлаш)
4. Янги фикр, синтез, муаммоларни ечиш
5. Тасдиқлаш ва баҳолаш (натижани тушуниш ва таҳлил қилиш)
6. Тақдимот (натижаларни аудиторияга энг яхши тарзда тақдим этиш).

Ишни бажариш учун намуна: Пианино вокалист қуроли

1. Вокал санъати келажакнинг белгиси ва замонавий дунёдаги энг тез ривожланаётган бизнес эканлигини англаган ҳолда, икки компания ушбу соҳада рақобатга киришишга қарор қилишди. Фирма А - бу Американинг энг йирик корпорацияларидан бири бўлиб, санъат соҳасида етакчи мавқега эга. Ушбу соҳага юз миллионлаб доллар маблағ сарфлайди, уни бозорни тадқиқ қилиш, энг яхши техник мутахассислар ва санъаткорларни жалб қилиш ва энг яхши жиҳозланган асбобларни ясаш учун маблағ сарфлайди. Пианиноналарини ишлаб чиқишни бошлашдан олдин, улар тадқиқотга бир тийин сарфламайдилар. Қўшиқ айтишга жисмонан ва руҳан тайёргарлик.

2. Нафас.
3. Вокал “ниқоби” ва асосий резонатор.
4. “Товуш хужуми” нима?
5. Кўкрак резонатори – товушнинг қуйи таянчи.
6. Вокал эсноғи ва ҳалқум ҳолати.

Аввалги бобларда (нафас, саҳна вазифалари, анатомия, артикуляция) биз ишлаётган бутун аъзонинг “фаол эркинлиги ва абадийлиги, нафас жараёнлари, овоз ва артикуляция аъзолари ҳақида гапирган эдик. Шунинг учун энди овоз ҳосил бўлиш ҳолатларини вокал “ниқоб” идан бошлаймиз.”

Вокал атамалари луғатида бу ҳақда қуйидагича изоҳ берилади: “Ниқоб” – итал. m’aschera[м’аскера] маска бу кўшиқчи овозини бурун ва унга туташ бўшлиқларда, яъни одатда маскарадларда ёпиладиган юзнинг юқори қисмида тебраниш билан боғлиқ.

Буни “мушакларда тушуниш”, “ниқоб,” “вокал эсноқ” ни хис қилиш ва кўшиқ айтиш жараёнида рўй бераётган жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун оддий машқларни бажарамиз.

1.Оғиз очик, шу ҳолатда сақлаш, оғиз, тил, томоқ табиийлиги, эркинлигини хис қилиш. “Ички назар” билан барча аъзоларга қараш. Лабларни аста яқинлаштириб, юқори лаб ва тишларда енгил тебраниш чиқариш. Агар тебраниш бўлмаса ҳалқум сиқилган, уни озод қилиш зарур. Яхши нафас олиб товуш чиқаришингизни юқори тишларга йўналтиринг. Қаерда тебраниш сезилса, айнан ўша ер “ниқоб”, вазият ҳисобланади. Шу ердан товушни олдинга қараб чўзинг. Бирор нарсанинг гудок чалишини эсланг.

2. Олдингизда ёқимли гул, уни хидланг. Гулнинг ёқимли бўйини хис қилинг. Хид қаерга, қайси аъзога етиб бораётганлигини хис қилиш ва эслаб қолиш зарур. “Ички янги хажмни вужудга келаётганлигини” эслаб қолинг.

Бу “вокал эсноғи”, “юқори кўшиқ гумбази”, юқори кўшиқ вазияти ҳақидаги тасаввурни тушуниб, эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Бундай ҳолат товуш бошланиши олдидаги лаҳзадаги нафас билан бир пайтда вужудга келиши зарур. Нафас - пастки таянч, танглай-юқори таянч, ана шу ёққа товуш, нафас юборилади.

3. Олдингизда ҳозир тишлашингиз лозим бўлган жуда чиройли олма. Уни тишлаш олдидан юқори жағ ва танглай олмадан каттароқ бўлак тишлаш мақсадида кўтарилаётганини хис қилинг. Бу хисни, эркин, табиий ҳаракатни топинг. Юқорига кўтарилган танглай - кўшиқ гумбазидир.

4. Оғзингизда қайноқ овқат, у танглайни куйдираяпти, сиз уни совутишга интиласиз. Бу ҳаракатни эслаб қолинг.

5. Иссиқдан тили осилиб қолган итни эсланг. У ҳам танглайини совутиш учун тез-тез нафас олади. Сизнинг ҳам танглайингиз, вокал гумбази нақадар баланд эканлигини тасаввур қила оласиз.

6. Совкатгандек тишингизни шаққитлатинг. Олд тишларга, жағнинг эркинлигига эътибор беринг. Бу машқ илгари жағлар эркинлиги ҳақидаги қисмда тавсия этилган эди. Энди олд юқори тишлар, танглай ёки “гумбаз” ни тасаввур қилинг. Сўнгра яна тишларни тақиллатиб хисларингизга кулоқ солинг.

7. Лаблар бирлашган. Оғиз эркин. Ички тўғу билан тилни, тишларни хис қилинг. Ҳалқум эркин, кўза оғзидек кенг. Худди шу ҳолатда танглайга “Э” ни талаффуз қилинг. Бунда ҳалқум осойишта, кенглигича туради. Ҳаракатдаги бўшлиқларни, кўтарилаётган танглай, кенг ҳалқумни хис қилинг.

8. Оғиз, ҳалқум эркин. “Эснаш” ни хоҳлайсиз, лекин жамоа ичида бўлганингиз учун ёпиқ оғиз билан эснанг.

Тасаввурингиз бундай эснашга ёрдам бериши керак. Эътиборингиз юқорига- танглайга қаратилади. Эснаганда юқори кубба кўтарилади, ҳалқум бўшаб, пастга тушади. Бундай эснаш кўздан ёш чиқадиган қадар бажарилади.

Юмшоқ танглай фаоллигига эътибор беринг.

Бу машқлардан бирортаси сизга эснаш, гумбазнинг вокал хиссини, нафас олиш билан уларнинг қурилмасини топишга ёрдам беради, сўнгра “нафас билан ҳужум” ва ажойиб товуш ҳосил бўлади (ҳаво товушга айланади).

Тана ва органларимиз бундай мураккаб майда мушаклар ҳаракатини дарҳол идрок эта олмайди, шунинг учун ёрдам, эътибор, сабр, тафаккур ва содда машқлар зарур бўлади.

Назорат саволлари

1. Вокал санъат соҳаси фаолияти деганда нимани тушунасиз?
2. Фаолиятни режалаштириш ҳақида нималарни биласиз?
3. Соҳани тўғри ташкил этиш йўллари айтиб беринг.

2-амалий машғулот: Мусиқий – луғавий сўзлар. Замонавий метроритмик моделлар

Ишдан мақсад: Мусиқий – луғавий сўзлар ҳақида умумий тушунча бериш. Замонавий метроритмик моделлар фаолиятини режалаштириш бўйича машқлар орқали мустаҳкамлаш. Вокал ижочилик фаолиятини ташкил қилиш усуллари ўрганиш. Ижодкорликни юзага чиқаришдаги тўсиқлар, ижодкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. **Махсус хона, пианино, вокал асбоблари.**

Масаланинг қўйилиши: Ижодий жараёни куйидаги қадамлар кетма-кетлигида тақдим этинг:

1. Муаммо баёноти (вазифалар)
2. Тайёрлаш (топшириқни ўрганиш, тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш)
3. Эҳтиёжларни топиш, инкубацион (мантиқий ва бирламчи ахборот ишлаш)
4. Янги фикр, синтез, муаммоларни ечиш
5. Тасдиқлаш ва баҳолаш (натижани тушуниш ва таҳлил қилиш)
6. Тақдимот (натижаларни аудиторияга энг яхши тарзда тақдим этиш).

Ишни бажариш учун намуна: “Ниқобда қўшиқ айтиш” тушунчаси

Бу тушунча юқори титрагичлардан тўла фойдаланиб қўшиқ айтишни назарда тутаяди, улар товушнинг юқори таянчи ҳисобланади, нафас эса товушнинг пастки таянчидир.

Бизнинг содда машқларимиз бу бўшлиқларни, уларга қандай қилиб етиб боришни хис қилишга ёрдам беради.

Овозни йўлга қўйишнинг моҳияти товушни “ниқобга” юбориш ва у ерда юқори тишларга таяб туришдан иборатдир. “Ниқобдаги” товуш шундай ёрқин ифодаланиши керакки, у юқори тишлар илдизига ураётганлиги билиниб турсин. Таянч нуқтаси танглайга таяниб боргани сайин овоз тўмтоқлашиб бораверади.

Бу хужум нуқтасини юқори тишлар илдизига қаратиб силжитиш учун оддий топшириқ- машқларни бажариш лозим бўлади.

Оғзингизни очинг, унга кўрсаткич бармоғингизни чуқур тикинг. Қўл кафти пастга қараган. Бармоқ танглайга таянган. Нафас олинг ва аста бир оқимга айланган нафасни чиқаринг.

Танглайга ёпишган кўрсаткич бармоғи чиқаётган ҳаво иссиқлигини сезади. Панжадаги энг иссиқ жой - бу чиқарилаётган нафаснинг “хужум

нуктасидир, кўшиқ айтаётганда айнан шу жойга товуш тўлқинлари оқими келиб урилади.

Бу нукта аста юқори тишлар илдизига келиб етишига ҳаракат қилиш керак. Шундан кейин бу хисларни товуш билан текшириб кўриш зарур. Ўз овозингизни изланг, ўз хисларингизни ёдда сақланг.

Таъкидлаш лозимки, учлама асаб толалари ва овоз мушаклари ўртасида рефлектор алоқа бор. Бу овознинг тўғри оқими юз асаб толаларини, танглайни кўзгайди, бу овоз мушаклари тонусини оширади, товушнинг аниқ, тиниқлигини таъминлайди. “Ниқобни” хис қилиш учун қуйидаги машқлар тавсия этилади: “м”, “н”, “в” товушларни қулай тонда куйланг, лаб, юқори тишларда титрашни, кенг ҳалқумни хис қилинг. Агар тил томири таранг, кўтарилган бўлса бундай хис бўлмайди.

Дастлаб бу машқ оғизни очиб, сўнгра ёпиб “ғўлдираш” амалга оширилади.

Бу машқлар ҳалқум овозидан қутқаради, шунинг учун “ғўлдираш” дейилади.

Товушни тўғри йўлга қўйишда ма, ми, мо, му сингари бўғинларни ғўлдираш фойдали, “м” товуши ниқобда тўпланади. Томоқда ҳеч қандай таранглик бўлмаслиги керак. Иш талаффузи қулай бўлган унли товушдан бошланади.

Кўпчилик бошловчи кўшиқчилар ҳалқум сиқиклигидан қутулолмайди, елкаларини кўтариб олади. “ғўлдираш” машқлари ана шу нуқсонларни мустаҳкамлаб қўймаслигига эътибор бериш зарур. “Ғўлдираш” усулидан ҳам меъёрида фойдаланган маъқул, акс ҳолда у юмшоқ танглайни етарли кўтарилмаслигига ва бу минғирлашга олиб келади.

“Ниқоб”, бош тебраткичлари, яъни ҳаво, товуш оқими юбориладиган жой ҳақида гапирилган эди. Товуш “хужуми” - бу товуш бошланишидаги нафас асосидир. Нафас ингичка оқим билан юқори тишлар томирига юборилади. Физиологлар таъкидлашча, товуш хужуми - бу усул ва тезликдир, бунда нафас овозни пайдо бўлиши пайтида катта таъсир кўрсатади.

Бошловчиларга қуйидаги машқлар ёрдам беради:

1. Юқори тишлар илдизига а, а, а, а, ёки у, у, у, у “ўткир” талаффуз қилинади. Улар қулай нотада гапирилади. Бу товушни нинадек санчилаётганлик хисси пайдо бўлиши лозим.

2. “Юқори гумбаз”га, тишларга да, да, да ёки ду, ду, ду санчилади. Бу гумбазни хис қилиш учун “гул хиди”, “иссиқ овқат”ни ёдга туширилади (бу машқлар илгари учраган эди). Оғиз чиройли хажмли бўлиб қолади. Товуш юқори вазиятдан тушиб кетмаслигига эътибор берилади. Ҳалқум кенг ва паст бўлади.

3. Какку овозига ўхшатинг. “Ку-ку”ни юқори нотада, кўшиқ қилиб айтинг. Хис қилиш аввалги машқлардагидек.

4. Бу хисларни кўшиқда синаб кўринг, дастлаб ўзингизга қулай бўлган унлида бир нотада бошланг.

5. Терцияда куйланг. Биринчи нота легатода, иккинчиси стакаттода бўлсин, лекин ажралиб қолмасин. Дастлаб ҳар бир терциядан кейин нафас олинг. Тем аста.

Вокал- педагогик амалиётда қаттиқ ва юмшоқ ҳужумдан фойдаланилади. Бу ўқувчининг шахсий хусусиятлари билан белгиланади. Агар товуш юбориш суст бўлса, унда бир неча вақт овоз аъзоларини фаоллаштириш учун қаттиқ ҳужумдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аксинча, агар товуш қаттиқ юборилаётган бўлса, юмшоқ ҳужумдан фойдаланган маъқул. Аммо бунда товуш юборишда бошқа “йўллар” пайдо бўлиб қолмаслигига эътибор бериш зарур.

Биз “ҳужум”, “санчиш” деб номлаган нафасни бундай нафасни аниқ юбориш асосий тебраткичлар орқали бажарилади. Овоз аъзолари тебраткичларсиз жаранглаётган камертонга ўхшайди. Камертон жуда паст овоз чиқаради, лекин уни шиша банкага ўхшаш тебраткичга қўйилса камертон чиқараётган товуш кучаяди.

Овоз билан ҳам шундай аҳвол рўй беради. Бунда овоз аъзолари камертон, бош ва кўкрак тебраткичлар вазифасини бажаради. Фақат уларни “ишга тушира олиш” керак.

Кўкрак тебраткич- товушнинг пастки таянчи. Қўшиқ товуши ўпкадан чиқаятган ҳаво овоз туйнуклари орқали ўтиш пайтидаги тебраниш билан ҳосил бўлади. Товуш тўлқинларини ҳосил қилувчи бу тебранишлар бўғиздан ташқарига эсноқ, оғиз, бурун орқали чиқади ва бу ерда сайқалланади.

Аммо қўшиқ товуши ҳалқумда хис қилинмаслиги керак, акс ҳолда у бўғиз товуши бўлиб қолади. Қўшиқ товуши кўкракда ҳосил бўлиб, танглайга таянаётгандек хис қилсин.

Қўшиқ овозини ҳосил бўлишининг бошқа ҳолатларини ҳисобга олмаган ҳолда бош ёки кўкрак тебранишлари кучайирилганда овоз бузилиши мумкинлигига, товушнинг табиийлигини йўқолишига олиб келади. Қўшиқчи “фақат юқорида куйлайди” дейилади буни.

Ортиқча кўкрак тебранишига таяниш овозни оғирлаштириб қўяди, регистр ўтиш жойларини, овозни юқорига ҳаракатини қийинлаштиради. Овоз ўзининг йиғинчоқлиги, ҳаракатчанлигини йўқотади.

Қўшиқ айтиш чоғида товуш таянчини кўкракдан излаш керак, бир пайтда қорин мушаклар “ниқоб” соҳасига томон лаҳзалик қўллаши зарур бўлади.

Кўкрак қафасининг ва нафас чиқариш жараёнининг мушак фаоллиги кучини кўкрак ости тебраткичи деб нотўғри тушунадилар. Мушаклар эмас, балки трахея, бронхларга сиқилган ҳаво кўкрак тебраткичи ҳисобланади.

Шунинг учун қўшиқ айтаётганда кўкрак тебраткичи хажми ўзгариб кетмаслиги учун нафас олишда кўкрак қафаси хажмини ташлаб юбормаслик керак. Кўкрак қафаси ва қорин мушак ортиқча тарангликка олиб келиш кўкрак тебранишига халақит берибгина қолмай, ҳавони нафас аъзоларига меъёрда тақсимланишини қийинлаштиради. Тебраткичлар товушни кучайтиради, унинг сифатли жаранглашига йўл очади. Шунинг учун ўқитилаётганда

ниқобда қўшиқ айтиш тавсия этилади, яъни бош тебраткичлари, нафас таянчи, кўкрак тебраткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Яхши таянч бўлса қўшиқчи тебраткичлар ишини анча фаоллаштира олади, бу кучли тебранишда ўз аксини топади, таянчсиз эса тебраткичлар фаоллигини йўқотади.

Кўринадики қўшиқ тебраткичлари фаоллиги даражаси - бу қўшиқчининг муҳим вокал-техник кўрсаткичи бўлиб қолади.

Қўшиқчиликдаги овозда тебраткич имкониятларидан бошқа ҳеч қандай сир йўқ. Тебраткич йўқ бўлса, қўшиқчи ҳам йўқ бўлади, тебраткич овознинг ёрқинлиги, чарчок билмаслиги ва ҳамиша навқиронлигини таъминлайди.

Тарихда ниҳоятда кучли овозлар маълум бўлган. Улар қудратли йўналтирилган овози билан хатто ойнани синдириб юборганлар. Шу маънода шовқин кучи децибел билан ўлчанади. Отбой болғаси 100 децибел шовқин билан ишлайди. Яхши йўлга қўйилган овоз қудрати 110 децибелни ташкил этади. Шунинг учун операдаги концертмейстер ишини зарарлиги бўйича темирчилик цехидаги ишга ўхшатиш мумкин.

Энг аввало кўкрак тебраткичлари ҳаво билан тўлатилган (трахея, бронх, ўпка) товушга қувват бахш этади.

Бош тебраткичлари овозга тембр ва товушга бўёқ беради.

Ҳалқум кўпроқ товушнинг баландлигини таъминлайди.

Кўпинча “тебраткичларни ишга тушириш” тушунчаси ишлатилади. Албатта, тебраткичларни шунчаки “ўчириб, ёндириб” бўлмайди. Аммо инсон ўз олдида ишида аниқ мақсад қўйса, қўшиқ жараёни ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилса, ўз мақсад ва вазифаларини яхши англаса, бундай “ўчириб-ёндириш” бизнинг “ички компютеримиз” орқали ўз-ўзидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, яхши йўлга қўйилган овоз юқори таянч (танглай, ниқоб, позиция) ва пастки таянчга (диафрагма, кўкрак) эга эканлиги ҳақида тасаввуримиз ҳосил бўлади. Уларнинг орасидаги ҳаво оқими эса таранг тортилган торга ўхшайди. Қўшиқ жараёнида қўшиқчи бу ҳиссиётларни сақлаб қолиши тингловчида “йўлга қўйилган овоз” ҳақидаги тасаввурини ҳосил қилади. Овознинг техник тақомили ва қўшиқ айтаётганнинг мусикавийлиги ижродаги тасаввурни бойитади.

3-амалий машғулот: Артикуляция аъзолари, дикция

